# Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

## Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими

Таълимнинг кредит тизими талабага йўналтирилган ўқитиш, таълим бериш ва баҳолашнинг ошкоралиги тамойилига асосланган бўлиб, **синов бирлик (кредит)ларини** йиғиш, тан олиш ва кўчириб ўтказишдан иборатдир. Мазкур тизим синов бирликларининг жамғариб бориладиган таълимнинг барча босқичлари бўйича илгари йиғилган ўсиб борувчи синов бирликлари ҳисобини билдиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 569-сон қарори

## Таълимнинг кредит тизимида

- Синов бирликлари **7-10** йилгача сақланиб қолади;
- Фанни ижобий баҳо **(3-5)** га ўзлаштирган таълим олувчига фанга ажратилган синов бирлиги тўлиқ берилади;
- Академик мобиллик натижасида барча синов бирликлари тан олинади.

## Курсдан курсга ўтказиш:

- Талабаларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи **(GPA – Grade point average)** белгиланган қийматдан ошса курсдан курсга ўтказилади.
- Академик қарздорлик учун талабалар четлаштирилмайди;

## Таълим траекторияси

- Талабалар **гуманитар** фанлардан, **очиқ танлов** фанлардан ва **очиқ IT фанлардан** керакли фанларни танлаши мумкин;

## Диплом олиш мезонлари

- Бакалаврлар учун тўлиқ таълим дастурини якунида **240** кредитни тўплаш;
- Магистратура учун тўлиқ таълим дастурини якунида **120** кредитни тўплаш;
- Таълим олувчининг йиллик иш ҳажми **60** кредит;
- Ўқиш муддати бакалавр учун **10** йил, магистратура учун **15** йилгача;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 569-сон қарори

# Ижобий баҳолар шкаласи

| 5 балли | 100% шкала | 5 балли | 100% шкала | 5 балли | 100% шкала |
|---|---|---|---|---|---|
| **5,00 — 4,96** | 100 | 4,30 — 4,26 | 86 | 3,60 — 3,56 | 72 |
| **4,95 — 4,91** | 99 | 4,25 — 4,21 | 85 | 3,55 — 3,51 | 71 |
| **4,90 — 4,86** | 98 | 4,20 — 4,16 | 84 | 3,50 — 3,46 | 70 |
| **4,85 — 4,81** | 97 | 4,15 — 4,11 | 83 | 3,45 — 3,41 | 69 |
| **4,80 — 4,76** | 96 | 4,10 — 4,06 | 82 | 3,40 — 3,36 | 68 |
| **4,75 — 4,71** | 95 | 4,05 — 4,01 | 81 | 3,35 — 3,31 | 67 |
| **4,70 — 4,66** | 94 | 4,00 — 3,96 | 80 | 3,30 — 3,26 | 66 |
| **4,65 — 4,61** | 93 | 3,95 — 3,91 | 79 | 3,25 — 3,21 | 65 |
| **4,60 — 4,56** | 92 | 3,90 — 3,86 | 78 | 3,20 — 3,16 | 64 |
| **4,55 — 4,51** | 91 | 3,85 — 3,81 | 77 | 3,15 — 3,11 | 63 |
| **4,50 — 4,46** | 90 | 3,80 — 3,76 | 76 | 3,10 — 3,06 | 62 |
| **4,45 — 4,41** | 89 | 3,75 — 3,71 | 75 | 3,05 — 3,01 | 61 |
| **4,40 — 4,36** | 88 | 3,70 — 3,66 | 74 | 3,00 | 60 |
| **4,35 — 4,31** | 87 | 3,65 — 3,61 | 73 | 3,0 дан кам | 60 дан кам |

**90-100% - 5 баҳо**
**70-89% - 4 баҳо**
**60-69% - 3 баҳо**

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 569-сон қарори

# GPA ни ҳисоблаш

**GPA (Grade Point Average)** — таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA=\frac{K_1*U_1+K_2*U_2+K_3U_3+\cdots+K_nU_n}{K_1+K_2+K_3+\cdots+K_n}$$ бунда

K — фанга ажратилган синов бирликлари миқдори;

U — фан бўйича тўпланган балл. **Фанни ўзлаштирмаган бўлса 0 га тенг бўлади.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 569-сон қарори

# ТАЪЛИМНИНГ КРЕДИТ ТИЗИМИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

## Таълим олувчи

- Таълим натижаларини тан олиниши;
- Таълим траекториясини мустақил шакллантириш имконияти;
- Академик мобиллик;
- Баҳоларнинг тўпланиб борилиши;

## Профессор-Ўқитувчи

- Талабаларнинг фанга қизиқиши;
- Аниқ белгиланган баҳолаш тизими;
- Талабалардан feedback;

## Маъмурият

- Таълим дастури таркибини тезкор ўзгартириш имконияти
- Профессор-ўқитувчиларнинг мобиллик дастурларида иштирок этиш имконияти;
- Ҳалқаро рейтинг қайтномаларда иштирок этиш имконияти;

## Иш берувчи

- Таълим натижаларини шакллантириб бериш имконияти;
- Талаб этилган рақобатбардош мутахассисларга эришиш;

Академик давр бир семестрда 15 хафта давом этади. Оралиқ назоратга 1 ҳафта ажратилади. Ҳар бир академик даврдан сўнг таълим олувчиларга 5 ҳафтадан кам бўлмаган таътил берилади, ушбу таътил давомида академик қарздорлиги мавжуд бўлган таълим олувчилар ўз ҳисобларидан тегишли фанлардан 2 хафталик қайта ўқишларда иштирок этиб якуний назратларни қайта топширишлари мумкин. Қайта ўқиш натижасида ижобий баҳога эришган талабага тегишли фанга ажратилган синов бирликларига тўлиқ эришадилар.

**15 ҳафта ўқиш**

- Фан силлабусларида белгиланган топшириқлар ва мустақил ишлар топширилади;
- 1 ҳафта оралиқ назорат топширилади

**1 ҳафта якуний назорат**

- Оралиқ ва жорий баҳоланиш натижасига кўра фанга ажратилган максимал балнинг **60% дан юқори** кўрсаткичга ўзлаштирган талабалар ўтади

**2 ҳафта қайта ўқиш**

- Фандан четлаштирилган талабаларга
- Фанга ажратилган максимал балнинг **60% дан паст** кўрсаткичга ўзлаштирган талабаларга ўз ҳисобларидан ташкил этилади

## ТАЛАБАЛАРГА ЭСЛАТМА!

1

Тўлиқ таълим дастурини якунида бакалавриатурада **240 кредитни** магистратурада эса **120 кредитни** тўплаши шарт;

Ўқиш муддати бакалавр учун **4** йилдан **10** йилгача, магистратура учун **2** йилдан **15** йилгача бўлиши мумкин;

Курсдан курсга ўтиш учун **GPA 2,6** дан юқори бўлиши шарт;

Академик қарздорлик учун талабалар сафидан четлаштирилмайди.

Кредит тизимига оид янгиликларни https://t.me/lms_tuit_official каналида кузатиб бориш мумкин

## ТАЛАБАЛАРГА ЭСЛАТМА!

2

90-100% - 5 баҳо
70-89% - 4 баҳо
60-69% - 3 баҳо
0-59% - 2 баҳо

### Оралиқ 50%

- Амалий ишлар;
- Лаборатория ишлари;
- Мустақил ишлар
- ҳ.к.

### Якуний 50%

- Имтиҳон;
- Лойиҳалар

## ТАЛАБАЛАРГА ЭСЛАТМА!

3

1 та фандан **5 та (10 соат)** ва ундан ортиқ сабабсиз дарс қолдирган талаба мазкур фандан четлаштирилади ва шу фанни ўзлаштирмаган ҳисобланади;

Фанга ажратилган максимал балнинг **60%** дан паст кўрсаткичга ўзлаштирган талаба фанни **ўзлаштирмаган** ҳисобланади.

Фанга ажратилган максимал балнинг **60%** дан юқори кўрсаткичга ўзлаштирган талаба фанни **ўзлаштирган** ҳисобланади.

Академик қарздорлиги мавжуд талабаларга таътил вақтида **ўз ҳисобларидан қайта ўқиш** йўли билан академик қарздорликни йўқотиш имконияти берилади

# ТАЛАБАЛАРГА ЭСЛАТМА!

**4**

Қайта ўқиш тўлов суммаси = Фанга ажратилган кредит миқдори * 1 кредит нархи

1 кредит нархи = контракт суммаси (1 йиллик) / жами ўзлаштирилиши шарт бўлган кредитлар миқдори (1 йиллик)

Масалан SWD1318 (Дастурлаш I) 8 кредитли фанни қайта ўқиш учун 1630392 сўм тўланиши керак бўлади

1 кредит нархи = 12 227 940 / 60 = 203799

Қайта ўқиш тўлов суммаси = 203799 * 8 = 1630392

# Эътиборингиз учун раҳмат!

u.karimov@tuit.uz
+998(71)238-65-63